

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРТАЛИЕВ ЭЛЬДАР НУРИЕВИЧ

**СТИРИЛ БЎЁҚЛАР ВА УНГА ЯҚИН БИРИКМАЛАР
МОЛЕКУЛАЛАРИ ФОТОНИКАСИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation Abstract

Курталиев Эльдар Нуриевич

Стирил бўёқлар ва унга яқин бирикмалар молекулалари фотониқаси..... 3

Курталиев Эльдар Нуриевич

Фотоника молекул стироловых красителей и родственных им соединений..... 29

Kurtaliev Eldar Nurievich

Photonics molecules styryl dyes and their related compounds..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ФМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРТАЛИЕВ ЭЛЬДАР НУРИЕВИЧ

**СТИРИЛ БЎЁҚЛАР ВА УНГА ЯҚИН БИРИКМАЛАР
МОЛЕКУЛАЛАРИ ФОТОНИКАСИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017 йил

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti-kengash.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Низомов Негмат Низомович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нематов Шерзод Каландарович физика-математика фанлари доктори Азаматов Закиржан Тохирович физика-математика фанлари доктори Семенов Денис Иванович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net).

Докторлик диссертацияси билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2017 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

С.Л. Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда тез ривожланаётган фотоника соҳасида истиқболли йўналишлардан бири органик бўёқларнинг эритмалардаги физик ва кимёвий хусусиятлари бўйича тадқиқот ишлари ҳисобланади. Бу соҳада органик бўёқлар молекулаларининг эритмаларда, плёнкаларда ва полимер матрицадаги ўзаро таъсирини ўрганиш, бўёқларнинг фотофизик ва фотохимёвий хусусиятларини ҳамда уларнинг эритувчи ва биологик объектлар билан ўзаро таъсири табиатини ўрганишда спектроскопия ва люминесцент усулларни ривожлантириш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари молекулалар агрегациясининг спектроскопик намоён бўлишига, бир хил ва ҳар хил модда молекулаларининг эритмада, плёнкада ва полимер матрицаларда люминесценция берувчи агрегатларининг вужудга келиш қонуниятларининг ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилди, хусусан, сувда ва турли табиатдаги эритувчиларда ҳосил бўлган молекуляр комплексларнинг тузилиши ҳақида янги маълумотлар олиш, ҳосил бўлган ассоциатларнинг люминесценция бериш қобилияти билан уларнинг тузилиши ва таркиби орасидаги боғлиқлик ўрнатилишида, маълум усуллардан фарқли равишда, нисбатан салмоқлироқ натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида органик бўёқларнинг фотофизик ва фотохимёвий хусусиятларини ҳамда уларнинг эритувчи ва биологик объектлар билан ўзаро таъсир табиатини ўрганишда спектроскопия ва люминесцент янги усулларни топиш медицина ва биологияда ишлатилувчи қурилмаларни маҳаллийлаштиришига маълум ҳисса қўшади.

Хозирги кунда жаҳонда берилган спектрал-люминесцент характеристикаларга эга бўлган янги синтез қилинган бўёқларда флуорофорнинг уни ўраб олган муҳитдаги кичик ўзгаришларга сезгирлигини имконини беради. Бу йўналишда мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги йўналишдаги тадқиқот ишлари: эритма концентрациясининг, эритувчи ва нурлантираётган ёруғлик табиатининг стирил бўёқлари спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларига таъсири; стирил бўёқлари молекулаларининг ўзаро ва эритувчи молекулалари иштирокидаги агрегацияси; стирил бўёқлари молекулаларининг атомларида зарядларнинг тақсимланиши, стирил бўёқлари молекулаларининг дипол моментлари ва электрон ўтишлар табиатини квант-кимёвий ҳисоблаш ёрдамида аниқлаш; янги стирил бўёқларни ва уларга турдош бўлган моддаларни қорамол қон зардоби ва ДНК билан комплекс ҳосил қилиш жараёнини тадқиқ этиш; ўрганилган моддаларни тиббиёт ва биологияда флуоресцент зонд ва нишон сифатида қўлланилиши учун тавсияномалар ишлаб чиқиш; пахта ёғи таркибидаги госсиполни аниқлашнинг тезкор усулини ишлаб чиқиш ва миқдорини ўлчайдиган асбоблар яратишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси sanoатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технология ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машиносозлик» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Фотоника соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича етакчи илмий марказлар ва университетлар томонидан, жумладан, Флуоресценция институтида (Балтимор, АҚШ), Регенсбург университетида (Германия) органик бўёқларнинг эритмалар, плёнкалар ва полимер матрицалардаги молекулалараро таъсир физикаси ва спектроскопияси муаммоларини бўйича, ҳамда София университети (Болгария) Москва, Киев ва Белоруссия давлат университетлари олимлари томонидан органик бўёқлар билан нуклеин кислоталар орасидаги боғлиқлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда турли классдаги органик бўёқларнинг фотофизик ва фотохимёвий хусусиятлари ва янги классдаги органик бўёқларнинг нодир ер элементлари ионлари бўйича қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, Принстон университети (АҚШ), Давлат оптика институтида (Россия) ва Москва давлат университети (Россия) олимлари флуоресцент методологияси, органик бўёқларнинг турли металллар нанозаррачалари билан ўзаротаъсири ва янги фотофизик ва фотохимёвий характеристикаларга эга бўлган комплексларнинг ҳосил бўлиши, IBM фирмаси (АҚШ) органик бўёқлар асосида рентген диапазонида ишлайдиган лазер яратиш, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) органик бўёқларнинг эритмалар, плёнкалар ва полимер матрицалардаги молекулалараро таъсирини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда қуйидаги долзарб йўналишларда, жумладан, тиббиёт, биология, нанотехнология, молекуляр электроника ва фотоникада юқори қўлланиш потенциалига эга бўлган органик бўёқларининг физик-химёвий ва оптик хусусиятларини ўрганиш бўйича дунёнинг кўп мамлакатларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

¹Диссертация мавзусига доир халқаро шарҳ қуйидаги ишлар: Tatikolov A.S. Polimethine dyes as spectral-fluorescent probes for biomacromolecules. J.Photochem Photobiol C: Photochemistry reviews. 2012. V.13, #1. –pp.55-90; T.Deligeorgiev and et al. Styryl dyes – synthesis and applications during the last 15 years. Coloration Technology. 2010 V.126, №2. pp. 55–80; Давиденко Н.А., Ищенко А.А., Кувшинский Н.Г. Фотоника молекулярных полупроводниковых композитов на основе органических красителей. –Киев: Наукова думка, 2005.–296 с.; Низомов Н. Люминесценция ассоциированных молекул органических красителей в растворах и пленках. –Самарканд: Зарафшон. 1997. –145с. ва бошқа адабиёт манбалар асосида олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан эритмалар, пленкалар ва полимер матрицалардаги металллар нанозаррачалари ва биофаол моддалари мавжуд турли классдаги органик бўёқларининг фотофизик ва фотохимёвий хусусиятлари ўрганилган. Жумладан, америкалик олим К.Геддес (Флуоресценция институти) флуорофорларнинг металл заррачалари билан ўзаро таъсирини ўрганган. Флуорофор-металл комплексининг ҳосил бўлиши эритма флуоресценцияси ва фототурғунлигини ошириши аниқланган. Немис олими О.Вольфбайс (Регенсбург университети) органик бўёқлари ва уларнинг биомакромолекулали комплекслари асосида юқори сезгирликка эга бўлган кимёвий сенсорлар ва датчикларни яратган.

Украина Миллий Фанлар академияси Органик кимё институти олимлари А.А.Ищенко, Н.А.Давиденко ва Н.Г.Кувшинский томонидан полиметинли бўёқлар учун уларнинг спектраллюминесцент хусусиятлари билан тузилишлари, муҳитнинг табиати, жумладан, полимерли матрица билан боғлиқлик қонуниятлари умумлаштирилган. Улар томонидан полиметинли занжир узунлиги, гетероқолдиклар тузилиши, ташкил қилувчи ўринбосарлар табиати, тузилиш биқирлиги, электронли ассиметрия, хромофорлар ўзаро таъсири ионли жуфтлар ва улар агрегатлари тузилишининг бўёқлар хусусиятларига таъсири ўрганилган. Тартибсиз органик қаттиқ жисмлардаги электрон жараёнлар бўёқнинг кимёвий тузилишига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган.

А.С.Татиколов (Биокимёвий физика институти, Россия) ва Т.Делигеоргиевнинг (София университети, Болгария) ишлари органик бўёқлар, уларнинг нуклеин кислоталари ва оқсиллар билан ўзаро ковалент бўлмаган таъсирга ҳамда улардан тиббиёт ва биологияда биомаркерлар, маълумот йиғувчи оптик системаларда, ёруғлик элементларида сенсibiliзатор сифатида амалий қўлланилишига бағишланган.

Ўзбекистон олимлари, жумладан, Н.Низомов томонидан агрегацияланган молекулаларнинг спектрал намоён бўлишларини ўрганиш асосида уларнинг таснифи қилинган. Бир хил ва ҳар хил модда молекулаларидан ташкил топган ва люминесценция берувчи агрегатларнинг эритмаларда, полимер матрица ва плёнкаларда ҳосил бўлишининг асосий қонуниятлари ўрнатилган. Агрегатларнинг люминесценция бериш қобилияти билан уларнинг таркиби ва тузилиши орасидаги боғлиқлик кўриб чиқилган.

Адабиёт шарҳи шуни кўрсатадики, стирил бўёқлар бўйича маълумотлар жуда тарқок. Бундан ташқари қўйидаги муаммоларга: стирил бўёқлар ва уларга турдош бўлган моддаларнинг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хоссалари билан уларнинг тузилиши, ўрнини босувчи ва эритувчи табиати ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга, эритма концентрациясининг таъсирга, ёруғликнинг таъсирга ва ҳ.к., жуда кам ишлар бағишланган. Молекулалараро таъсир жараёнлари, хусусан, мономер молекулалари ва ўзаро ковалент боғланган мономер молекулалари – гомодимерлар агрегацияси, бўёқ молекулаларининг эритувчи ёрдамида ва эритувчи иштирокисиз ҳамда биомакромолекулалар билан бўлган ўзаро таъсир бўйича маълумотлар

етарли эмас – бу илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тадқиқ этиш ҳозирги вақтда долзарбдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий ишлар режасига биноан «Биологик объектларни кузатиш ва уларнинг тасвирини намоён қилувчи икки фотонли ўйғотиладиган хавфсиз фотохимёвий флуоресцент зонд яратиш» (лойиха U3104ц, УИТМ, 2005-2008.), «EcoNet» дастури (Франция, 2008) «IGF-1 ўсиш факторини ва унинг рецепторини йўқотиш учун ўзгартирилган флуоресцент нуклеин кислоталар», ФА–А6–Т156 «Пахта ёғидаги госсипол ва унинг ҳосилалари миқдорини аниқлашнинг тезкор-тахлил усулини ишлаб чиқиш» (2009-2011.), ФА–А4–Т120 «Пахта ёғи, шелуха ва кунжара таркибидаги госсипол миқдорини аниқлаш учун портатив қурилма ишлаб чиқиш» (2012-2014), А–4–4 «Тиббиёт ва биология учун табиий бўёқлар асосида янги флуоресцент зонд яратиш» (2015-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Стирил бўёқлар² ва уларга турдош бўлган моддаларнинг турли табиатдаги эритувчилар ва биологик объектлар билан таъсир жараёнида уларнинг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларининг ҳосил бўлиш табиатини ўрганиш. Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидагилар **тадқиқотнинг вазифалари** этиб белгиланди:

янги стирил бўёқлар спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларига эритма концентрацияси, эритувчи ва ёруғлик табиати таъсирини ўрганиш;

стирил бўёқлар молекулаларининг бевосита ўзаро ва эритувчи иштирокидаги агрегация жараёнларини ўрганиш;

стирил бўёқларнинг атомларида зарядларнинг тақсимланишини, дипол моментларини ва электрон ўтишлар табиатини квант-химёвий ҳисоблашлар ёрдамида аниқлаш;

янги стирил бўёқлар ва уларга турдош бўлган моддаларнинг қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсирини ва комплекс ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш;

ўрганилган моддаларни тиббиёт ва биологияда флуоресцент зондлар ва белгилар сифатида қўллаш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

пахта ёғи таркибидаги госсиполни аниқлаш учун янги оптик экспресс усулни ва унинг миқдорини улчайдиган ихчамгина қурилмани яратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 26та янги стирил бўёқлар³ ва 11та уларга турдош бўлган моддалар, қорамол қон зардоби ва ДНК, родамин С, родамин S, госсиполдан фойдаланилди.

² Диссертация ишида ўрганилган моддалар Украина Миллий Фанлар Академиясининг Молекуляр биология ва генетика институтида к.ф.д. С.Н.Ярмолок томонидан синтез қилинган бўлиб, уларни бизга бергани учун муаллиф ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради.

³ Баён этишда қулайлик мақсадида диссертация ва автореферат матнида ўрганилган стирил бўёқларнинг номлари араб рақамлари орқали келтирилган: 1–Sbo; 2–Dbo-10; 3–Tol-6; 4–Sil; 5–Dil-10; 6–S-3; 7–Sbt; 8–S-5; 9–S-6; 10–S-12; 11–S-20; 12–S-34; 13–S-36; 14–S-38; 15–D-165; 16–D-166; 17–D-174; 18–Dbt-5; 19–Dbt-10; 20–D-179; 21–D-180; 22–D-181; 23–D-182; 24–D-183; 25–S-37; 26–S-39; 27–F; 28–S-33; 29–Dst-5; 30–Dst-10; 31–Tol-3; 32–S-13; 33–D-184; 34–S-44; 35–S-49; 36–Cyan 40; 37–TO.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб стирил бўёқларининг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятлари билан уларнинг ўзига хос электрон тузилиши қонунияти орасидаги боғлиқлик ва уларнинг уйғонган электрон ҳолатининг табиати, ўрганилган моддалар эритмаларида бўладиган молекулалараро таъсир жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида абсорбцион ва флуоресцент спектроскопия, рентгенструктуралар таҳлил, квант-химёвий моделлаштириш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги стирил (26 та) бўёқларнинг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларига молекулаларнинг тузилиши, улар ўринбосарларининг ва эритувчининг табиати, бўёқнинг концентрацияси ва ёруғликнинг таъсири ўрганилган;

стирил бўёқлар мономер молекулаларини қорамол қон зардоби ва ДНК билан боғланиш ҳосил қилгандаги спектрал-флуоресцент характеристикалари ва биофизик параметрлари аниқланган;

мономер ва гомодимерлар ўртасидаги ўзаро таъсирлар эритувчи иштирокида ва эритувчи иштирокисиз ҳамда уларнинг қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсир жараёнларининг спектрал намоён бўлишидан уларнинг табиати аниқланган ва тушунтирилган;

тажрибада олинган натижалар ва квант-химёвий ҳисоблашлар асосида: стирил бўёқлари атомларида зарядларнинг тақсимланиши, молекулаларнинг дипол моментлари ва улардаги электрон ўтишлар табиати ҳамда стирил бўёқлар молекулаларининг тузилиши билан уларнинг спектрал-флуоресцент хусусиятлари ва электрон ўтишлар табиати орасидаги боғлиқлик ўрнатилган;

стирил бўёқларни тиббиёт ва биологияда флуоресцент зонд сифатида қўллаш учун таклифлар ва тавсияномалар ишлаб чиқилган.

пахта ёғи таркибидаги госсиполни аниқлашнинг янги оптик тезкор усули ишлаб чиқилди, бу рангсиз индикаторни пахта ёғи таркибидаги госсиполнинг концентрациясига қараб оч пушти рангдан тўқ қизилгача ўзгаришига асосланган;

Пахта ёғи таркибидаги госсиполнинг миқдорини ўлчайдиган ихчамгина асбоб яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

пахта ёғи таркибидаги госсиполни аниқлашнинг визуал тезкор усули ва госсиполнинг миқдорини аниқ ўлчайдиган янги қуролма яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибада олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мос келиши, тадқиқот жараёнида қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, узвий бирлик, замонавий ўлчов аппаратларини қўллаш, шунингдек, ўлчов натижаларининг такрорий қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органик бўёқларнинг эритмаларида содир бўладиган фотофизик ва фотохимёвий жараёнлар тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, берилган моддалар тиббиёт ва биологияда флуоресцент зонд сифатида ҳамда тегишли спектрал-люминесцент характеристикаларга эга бўлган янги органик бўёқларни мақсадли синтез қилишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стирил бўёқлар ва уларга турдош бўлган моддаларнинг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларини ҳосил қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта ёғи таркибидаги эркин госсиполни аниқлаш бўйича («Пахта ёғи таркибидаги эркин госсипол миқдорини аниқлашнинг усули» Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган, UZ №IAP04694 30.11.2010 й). Ишлаб чиқилган усул госсиполни аниқлаш жараёнини соддалаштирган ва қайд қилиш жараёнини бир тартибда камайтирган;

берилган спектрал-люминесцент характеристикалар ва фотохимёвий хусусиятларга эга бўлган янги органик люминофорлар Украина Миллий Фанлар академиясининг Молекуляр биология ва генетика институтида флуоресцент зонд ва нишон оксил ва нуклеин кислоталарни қайд қилишда қўлланилган (Украина Миллий Фанлар академияси Молекуляр биология ва генетика институтининг 2016 йил 24 мартдаги 109/293-04-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш квант чиқиш ва фототурғунлиги икки тартибда кўп бўлган янги флуоресцент зонд ва нишон яратиш имконини берган;

ютилиш ва флуоресценция спектрлари қизил ва яқин инфрақизил соҳаларда бўлган янги органик люминофорлар «Монокристаллар» Илмий технология концернида тиббий-биологик тадқиқотларда ва клиник ташхис қўйишда қўлланилган (Украина Миллий Фанлар академиясининг 2016 йил 2 майдаги 118/003-05-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши экстинкция коэффициенти қиймайти икки баробар кўп бўлган янги нишон ва зондлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференциясида, маъруза кўри-нишида баён қилинган ва апробациядан ўтган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, чоп этилган ишлар рўйхати ва иккита иловадан ташкил топган 200 саҳифали матн, 43 та расм ва 11 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Органик бўёқларнинг эритмаларида молекулалараро таъсир ва унинг спектроскопик намоён бўлиши»** деб номланган. Унда стирил бўёқлар ва уларга турдош бўлган бўёқларнинг эритмаларида содир бўладиган молекулалараро таъсир жараёнларининг спектрал намоён бўлиши бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган.


Органик бўёқлар молекулаларининг агрегацияси, органик бўёқларнинг биообъектлар билан таъсири, органик бўёқлар молекулаларининг спектрал-люминесцент ва фотохимёвий хусусиятларига ёруғлик таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Диссертациянинг мақсади ва вазифалари ифодаланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Тажрибанинг техника ва методикаси»**га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотни бажариш учун зарур бўлган экспериментал қурилмалар, квант-химёвий ҳисоблаш усули тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот учун керакли моддаларнинг танланиши асосланган, уларнинг тузилиши ва номлари (1-расм), ҳамда қўлланилган эритувчиларнинг баъзи бир хусусиятлари, эритмаларни тайёрлаш, тажриба натижаларини қайта ишлаш, спектрал-люминесцент характеристикаларни ва бўёқлар билан биообъектлар ўртасидаги боғланиш доимийсини ва боғланиш жойлар сонини ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Стирил бўёқлар ва уларга турдош бўлган моддалар эритмаларининг спектрал-люминесцент ва фотохимё характеристикалари»**га бағишланган бўлиб, унда эритманинг концентрациясини, эритувчи табиат ва ёруғлик таъсирининг стирил бўёқлар спектрал-люминесцент характеристикаларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Илк бор **1-26** стирил бўёқларни сувда спектрал-люминесценция характеристикаларига концентрациянинг таъсири ўрганилди. Барча ўрганилган моддалар учун тажрибада олинган натижаларга кўра уларнинг ютилиш ва флуоресценция спектрлари 10^{-6} - 10^{-5} М оралиғида доимий қолади ва бу спектрлар мономер шаклдаги молекулаларга тегишлидир. Тажрибадан олинган натижалар асосида мономер шаклдаги молекулаларнинг қўйидаги спектрал-люминесцент характеристикалари ҳисобланди: экстинкция коэффициенти (ϵ), осциллятор кучи (f_c), ўйғонган ҳолат яшаш вақти (τ),

флуоресценциянинг квант чиқиши (B), 0-0 ўтиш частотаси (ν_{0-0}) ва Стокс силжиш катталиги (SS) (1-жадвал).



1-расм. Тадқиқот моддаларнинг структуравий формулалари

Ўрганилган бўёқларнинг⁴ сувли эритмаларида қорамол қон зардоби (ҚҚЗ) ва ДНК бўлган ва бўлмаганда спектрал-люминесцент характеристикалари

Бўёқ	$\lambda_{\text{макс.}}^{\text{лот}}$, (нм)	$\lambda_{\text{макс.}}^{\text{фл.}}$, (нм)	ϵ , (л×моль ⁻¹ × см ⁻¹)	f	τ , (нс)	ν_{0-0} (см ⁻¹)	SS (см ⁻¹)
1	488	556	37400	0,77	5,0	18870	2506
1+ҚҚЗ	488	553	33900	0,72	5,4	18900	2408
2	467	570	9700	0,12	0,3	19490	3869
2+ҚҚЗ	512	552	5400	0,10	0,5	18520	3160
3	466	553	25800	0,40	8,8	19270	3376
3+ҚҚЗ	505	560	11100	0,23	8,0	17540	1944
3+ДНК	464	566	16500	0,25	5,6	18940	3883
4	535	596	21300	0,45	0,1	17100	1910
4+ҚҚЗ	535	600	20000	0,41	0,2	17180	2024
5	512	600	6000	0,08	0,5	17580	2865
5+ҚҚЗ	566	600	11250	0,30	0,1	17000	1032
6	561	600	58100	0,81	6,3	17210	1160
6+ҚҚЗ	564	598	55300	1,0	4,7	17180	1008
7	511	596	23500	0,27	0,1	17480	2790
7+ҚҚЗ	512	598	19200	0,33	0,2	17500	2808
7+ДНК	511	597	17400	0,36	0,2	17490	2819
8	513	589	47700	0,90	4,7	17820	2515
8+ҚҚЗ	508	582	40800	0,84	4,8	17850	2502
9	469	584	6100	0,15	0,2	18350	4198
9+ҚҚЗ	461	572	9600	0,40	0,04	18870	4209
9+ДНК	468	582	6200	0,16	0,2	18390	4185
10	529	598	9000	0,15	0,3	17450	2181
10+ҚҚЗ	528	594	9500	0,18	0,24	17640	2104
11	531	600	48400	0,80	4,6	17730	2165
11+ҚҚЗ	533	591	51800	0,97	3,4	17820	1841
12	533	599	50500	0,87	5,3	17360	2067
12+ҚҚЗ	533	595	50500	0,95	4,8	17390	1955
13	522	597	38600	0,69	6,5	17540	2406
13+ҚҚЗ	522	593	35100	0,77	5,9	17600	2293
14	523	598	32400	0,62	7,2	17510	2398
14+ҚҚЗ	509	591	27900	0,65	6,4	17640	2725
15	523	604	49300	0,95	4,6	17330	2564
15+ҚҚЗ	520	602	41800	0,99	4,4	17290	2619
16	524	598	51900	0,93	4,6	17530	2361
16+ҚҚЗ	519	593	47600	0,98	3,8	17590	2404
16+ДНК	551	607	45500	0,96	4,2	17610	1674
17	527	598	59000	0,94	3,7	17470	2252
17+ҚҚЗ	531	602	49200	0,99	3,1	17710	2221
18	502	596	12300	0,23	0,2	17450	3141
18+ҚҚЗ	505	586	41200	0,55	0,1	17480	2737


⁴ 27-37 бўёқларнинг спектрал-люминесцент характеристикалари Ш.И.Рахимов томонидан ўрганилган. «Спектрально-люминесцентные и фотохимические свойства гомодимеров стироловых красителей и родственных соединений в растворах». Дисс. канд. физ.-мат. наук. – Самарканд: СамГУ, 2012. – 109 с. Аммо бу ишда бўёқларнинг қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсири ўрганилмаган. Биомакромолекулалар билан бўёқ молекулалари орасидаги таъсирларни таққослаш ва умумлаштириш мақсадида 1-жадвалда бу бўёқларнинг ҳам спектрал-люминесцент характеристикалари келтирилган.

1-жадвал давоми

18+ДНК	493	599	22100	0,41	0,2	17420	3589
19	489	588	3900	0,06	0,6	18830	3443
19+ҚҚЗ	494	591	21600	0,19	1,7	17540	3322
20	491	596	76000	0,12	3,3	17420	3837
20+ҚҚЗ	495	590	58500	0,15	2,6	17480	3252
20+ДНК	508	608	57100	0,17	2,4	17210	3237
21	495	597	30000	0,33	0,1	17760	3451
21+ҚҚЗ	498	594	20400	0,36	0,1	19050	3245
22	495	598	70000	0,92	4,3	17750	3479
22+ҚҚЗ	496	600	24000	0,42	8,8	17730	3494
23	490	597	27500	0,21	0,1	17660	3657
23+ҚҚЗ	498	594	19800	0,29	0,1	17890	3245
24	518	594	4200	0,10	0,4	17510	2582
24+ҚҚЗ	488	589	7300	0,27	0,1	17790	3514
25	503	600	49000	0,73	5,6	17540	3214
25+ҚҚЗ	507	599	72900	0,97	2,7	17480	3029
26	497	598	43900	0,06	6,6	17760	3398
26+ҚҚЗ	501	600	38500	0,08	5,1	17450	3293
27	448	604	29000	0,85	3,8	19190	5765
27+ҚҚЗ	446	598	35200	0,93	2,9	20140	5700
27+ДНК	452	605	31400	0,90	3,1	19280	5594
28	461	615	29400	0,78	4,7	18420	5431
28+ҚҚЗ	460	567	36300	0,96	2,3	18900	4100
28+ДНК	481	608	28200	0,92	4,1	18100	4342
29	460	613	8000	0,20	0,2	18180	5425
29+ҚҚЗ	457	581	9000	0,33	0,1	18420	4670
29+ДНК	480	602	8800	0,94	3,6	18540	4222
30	460	610	31500	0,62	5,5	18170	5345
30+ҚҚЗ	470	582	33400	0,74	5,7	18360	4094
30+ДНК	482	594	3400	0,83	5,9	18070	3955
31	462	607	2000	0,10	0,5	18760	5170
31+ҚҚЗ	471	579	7000	0,30	0,2	18310	3960
31+ДНК	475	600	8400	0,22	0,1	17950	4385
32	534	572	2200	0,05	0,8	17600	1244
32+ҚҚЗ	545	640/680	6100	0,22	0,3	16050	2723/3642
32+ДНК	542	640/687	2500	0,15	0,5	16180	2825/3894
33	475	621	46200	0,92	2,9	17700	4949
33+ҚҚЗ	475	593	51900	0,94	2,1	17990	4190
33+ДНК	479	620	41000	0,95	3,0	17510	4747
34	490	579	10300	0,19	0,2	18800	3262
34+ҚҚЗ	489	578	15400	0,28	0,1	18810	3148
35	487	574	15300	0,25	1,5	18800	3196
35+ҚҚЗ	488	576	22000	0,36	0,1	18780	3130
36	435	-	58600	0,95	3,3	-	-
36+ҚҚЗ	435	476	51400	0,87	2,7	21830	1980
36+ДНК	442	480	47000	0,92	3,0	21600	1791
37	502	545	59000	0,99	4,2	18870	1571
37+ҚҚЗ	508	533/636	45000	0,90	3,7	19000	923
37+ДНК	510	535/635	51700	0,85	3,4	18970	916

Ўрганилган бўёқлар эритувчининг квант чиқиши жуда паст ва тахминан $0,01 \div 0,02\%$ ни ташкил этади.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, сувда эритма концентрациясини оширганда **2, 5, 6, 9, 10, 19, 23** ва **24**-бўёқларнинг ютилиш спектрлари доимий қолади, **3, 4, 18, 20, 21, 25, 26**-бўёқларнинг ютилиш спектрларида интенсивлигининг камайиши кузатилади. **1, 7, 8, 11-17** ва **22**-бўёқларда $C=10^{-4}$ М бошлаб ютилиш спектрининг қисқа тўлқин узунлиги томонидан янги ютилиш тасмаси вужудга келади (2-расм).




2-расм. 22-бўёқнинг сувда ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг сувда концентрацияга қараб ўзгариши

2-расмдан кўринадики концентрациянинг ошиши билан **22**-бўёқ учун ютилиш спектрида мономерларга тегишли бўлган тасма $\lambda_{\text{макс}}=495$ нм интенсивлигининг камайиши ва янги ютилиш тасмаси $\lambda_{\text{макс}}=473$ нм пайдо бўлади (2а-расм, 3-чизик).

Бунда юқорида номи қайд қилинган бўёқларнинг флуоресценция спектрида нурланиш интенсивлигининг камайиши кузатилади, яъни люминесценциянинг концентрацион сўниш ходисаси вужудга келади. Бу ходисалар концентрация ошиши билан электрон спектрларида бўладиган ўзгаришлар, ўрганилган модда молекулалари люминесценция бермайдиган димерлар ҳосил қилиши билан тушунтирилади. Димерлар эритувчи иштирокида ҳосил бўлиб, бунда сув иккита бўёқ молекулаларини водород боғланиш орқали боғлаб туради.

Органик бўёқларнинг спектрал-люминесцент характеристикалари нафақат бўёқ молекулаларининг тузилиши ҳамда эритманинг концентрациясига, балки фойдаланилаётган эритувчи табиатига ҳам боғлиқдир. Мисол тариқасида 3-расмда **20**-бўёқнинг сувли эритмасига турли миқдорда этил спирти қўшилгандаги электрон ютилиш ва флуоресценция спектрларининг ўзгариши келтирилган. 3а-расмдан кўринадики сувдан сув-этанол эритувчисига ўтганда ютилиш спектрининг максимуми батохром силжийди (3а-расм, 2-чизик). Этанол миқдорининг ошиб бориши кузатилган ходисани кучайтиради, бунда ютилиш спектрининг интенсивлиги тақрибан 10% га камаяди. 50% сув ва 50% этанол бинар эритувчида мономерлар тасмасининг катта

тўлқун узунлиги томонидан янги тасманинг пайдо бўлиши (3а-расм, 4-чизик) 2% сув+98% этанолда бу янги тасма яққол намоён бўлади (3а-расм, 5-чизик). Бу ҳолларда флуоресценция спектри шакли жиҳатдан доимий қолиб, нурланиш интенсивлиги 15 маротабагача ошади. Бундай манзара сув-этанол ва сув-диметилформаид (ДМФ) системасида ҳам, ҳамда бошқа ўрганилган моддалар учун ҳам кузатилади. Электрон ютилиш ва флуоресценция спектрларидаги ўзгаришлар, сольватохромия ҳодисаси билан, яъни бўёқ молекулаларини сольват қобикларининг ўзгариши билан тушунтирилади.




1-сувдаги эритма, 2–30%, 3–40%, 4–50%, 5–98% этанол
3-расм. 20-бўёқнинг сувдаги эритмасига ($c=3,8 \times 10^{-6} \text{M}$) турли миқдордаги этанол кўшилганда ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши

Сольват қобиклари эриган модда молекулалари билан эритувчи орасида универсал ва специфик таъсирлар натижасида вужудга келади. **21–26-бўёқлар** учун сувдан-диоксанга ўтган сари бўёқларнинг спектрал-люминесцент спектрлари юқорида келтирилган ҳолдан фарқли равишда, бошқача манзара ҳосил қилади. Мисол тариқасида 4-расмда **23-бўёқнинг** сувдан-диоксанга ўтгандаги ($c=7,2 \times 10^{-6} \text{M}$) спектрлари келтирилган.

Сувдан диоксанга ўта борганда 90% диоксангача ютиш спектрларида сезиларли ўзгариш кузатилмайди. 9%сув+91% диоксандан бошлаб ютилиш спектрида 11 нм батаҳром силжиш кузатилади. Диоксан миқдорини яна оширганда (8% сув + 92% диоксан) ютилиш спектрида қисқа тўлқин узунлиги томонидан янги ютилиш тасмаси пайдо бўлади ($\lambda_{\text{макс}}=457 \text{ нм}$), бунда мономерларга тегишли $\lambda_{\text{макс}}=502 \text{ нм}$ бўлган тасманинг интенсивлиги камаяди. Диоксан миқдори 93%га етганда $\lambda_{\text{макс}}=502 \text{ нм}$ тасма йўқолади ва қисқа тўлқин узунлигидаги тасма $\lambda_{\text{макс}}=453 \text{ нм}$ кузатилади. Диоксан миқдорининг ошиши флуоресценция тасмасининг $\lambda_{\text{макс}}=592 \text{ нм}$ интенсивлигининг камайишига олиб келади. Шунга ўхшаган манзара сувдан диоксанга ўтганда **22, 24** ва **25-бўёқлар** учун ҳам кузатилади. Сувдан диоксанга ўтганда ютилиш ва флуоресценция спектрларининг ўзгаришини диоксан миқдори кам бўлганда сольватация жараёни билан тушунтириш мумкин, унда ютилиш

спектрларида батахром силжиш куза-тилади, флуоресценция интенсивлиги ошади, худди юқоридаги сув-этанол ва сув-ДМФ ҳоллари каби.




1- сувдаги эритма, 2–90%, 3–91%, 4–92%, 5–93%, 6–95%, 7–98% диоксан

4-расм. 23-бўёқнинг сувдаги эритмасига ($c=7,2 \times 10^{-6}$ M) турли миқдордаги диоксан қўшилганда ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши

Сольватация кўйидаги кўринишдаги ионли агрегатларнинг ҳосил бўлишига олиб келади: $K^+A^- \dots K^+A^-$. Бу ҳолда катион эритувчи молекулалари томонидан ўраб олиниб, аниондан анча узокда бўлади. Диоксан миқдорининг оширилиши, ҳосил бўлган ионли агрегатларнинг ўзаро бирлашиб люминесценция бермайдиган Н-агрегатларини вужудга келтиради. Стирил бўёқларининг агрегация жараёнида кузатилган спектрал ўзгаришларини А.С.Давидовнинг экситонлар назарияси асосида тушунтириш мумкин. Стирил бўёқлар молекуляр тузилиши бўйича олиб борилган квант-кимёвий ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, **1, 3, 4, 6-13, 15-17** ва **22**-бўёқларда димерлар ҳосил қилишга мойиллик бор. **5, 14, 18-21** ва **23-25**-бўёқларда эса димерлар ҳосил қилишга унча мойиллиги йўқ, уларнинг агрегатлар ҳосил қилишга мойилликлари аниқланди.

Бўёқларнинг фотобарқарорлигини ўрганиш шуни кўрсатдики: ўрганилган моддаларни сув-ДМФ ва сув-диоксан эритувчилардаги эритмасига ёруғлик таъсир этганда ютилиш ва флуоресценция спектрларининг шакли доимий қолиб интенсивликлари камаяди, эритма рангсизлана боради, нурлантириш вақти ошиши билан бу жараён кучаяди. Сувдаги ва сув+этанол бинар эритувчилардаги бўёқларга ёруғлик таъсир қилганда ютилиш тасмасининг интенсивлиги камайиб, қисқа тўлқин узунлиги томонидан янги ютилиш тасмаси пайдо бўлади $\lambda_{\text{макс}}=354$ нм. Бу янги тасманинг интенсивлиги нурлантириш вақти ошиши билан ортади (5–расм). Флуоресценция спектрларининг шакли доимий қолиб интенсивлиги камаяди ва тасманинг $7 \div 12$ нм да гипсохром силжиши кузатилади. Худди шундай ҳолат **18-21, 24-26**-бўёқларнинг сувли ва сув+этанол эритмаларига ёруғлик таъсир этганда кузатилади.



1–0, 2–120, 3–300, 4–600, 5–1020, 6–1740, 7–2460, 8–3000 секунд
5-расм. 23-бўёқнинг сувли эритмасига ($c=7,2 \times 10^{-6}$ М) ёруғлик билан таъсир қилгандаги ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши




2-жадвал

Ўрганилган бўёқ эритмаларига ($c=10^{-5}$ М) ёруғлик билан таъсир қилганда фоторангсизланиш учун керак бўлган нурлантириш вақти (секундларда)


Бўёқ	Сув	2%сув+ 98% этанол	2%сув+ 98% ДМФ	2%сув+ 98% диоксан
1	3600	2400	900	ЭР
2	8700	5400	2700	ЭР
3	3000	ТО	1300	ЭР
4	9000	16200	4500	3900
5	7200	15300	4200	ЭР
6	5400	3600	ЭР	ЭР
7	1800	5400	4200	ЭР
8	5700	барқарор	11400	8100
9	6000	барқарор	барқарор	3000
10	8700	10800	11400	11400
11	7200	10200	6600	10200
12	3000	4800	4700	ЭР
13	4200	8400	4200	4500
14	8700	12600	12600	9000
15	3500	6200	2300	5800
16	3000	6600	1800	6420
17	3800	6900	5400	7600
18	4800	22800	22800	4200
19	1500	7200	4800	ЭР
20	4200	6300	1200	4500
21	13200	11400	3900	13800
22	5400	12600	4200	9600
23	3000	19200	7200	7600
24	3900	11400	4500	7200
25	6900	7200	3600	ЭР
26	6600	6600	3300	ЭР

Бўёқнинг тўла рангсизланиши учун керак бўлган экспозиция вақти бўёқнинг тузилиши ва эритувчининг табиатига боғлиқ (2-жадвал). Ўрганилган бўёқлар эритмаларини фоторангсизланишини кўйидагича тушунтириш мумкин. Энг аввало, ёруғлик таъсирида эритувчининг парчаланиши кузатилади.

Сув ва фойдаланилган эритувчиларнинг фотопарчаланиши кўйидагича амалга оширилади:




Шуни эътиборга олиш керакки, диоксаннинг ўзи унча турғун бўлмаган модда бўлиб осонлик билан перекислар ҳосил қиладики, улар кучли оксидловчидирлар.



Бу амалга оширилган тажрибаларда ҳам кузатилди, масалан, сув-диоксан эритувчиларда бўёқ молекулаларининг ёруғлик таъсирида бошқа эритувчиларга нисбатан тез рангсизланиши ёки ёруғлик таъсир этмаганда ҳам вақт ўтиши билан эритманинг рангсизланиши (ЭР) вужудга келади (2-жадвал).

Ёруғлик таъсирида ҳосил бўлган радикаллар бўёқ молекулаларининг фаол қисми билан реакцияга киришади, моддадаги боғланишлар бузилади ва бўёқ молекуласида деструкция вужудга келади, бу эса эритманинг рангсизланишига сабаб бўлади. Юқорида сув ва этанолни фотолизини олиб қараганда, ҳар иккала ҳолда ҳам гидроксил гуруҳ ва эркин водород атоми ҳосил бўлади.




6-расм. 7-бўёқнинг сувли эритмасига ($c=10^{-5}$ М) HCl қўшиб боргандаги ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши

Булар бўёқ молекуласининг диметиламин гуруҳи билан таъсирлашади. Шуни эътиборга олиб сувдаги ва сув+этанол эритмаларни ёруғлик билан таъсир қилганда $\lambda_{\text{макс}}=354$ нм янги ютилиш тасмасини бўёқнинг протонизациялашган шаклига тегишли деб қараш мумкин. Бу тахминни

исботлаш учун сувдаги эритмаларни HCl билан титрланди (6-расм). Ушбу расмдан кўринадик, бўёқ эритмасига HCl қўшган сари 7 бўёқнинг ютилиш тасмаси $\lambda_{\text{макс}}=511$ нм интенсивлиги камайиб, унинг қисқа тўлқин узунлиги томонидан янги ютилиш тасмаси $\lambda_{\text{макс}}=355$ нм пайдо бўлади. HClнинг миқдори оширилганда кузатилган ҳодиса кучаяди. Ютилиш спектридаги $\lambda=403$ нм изобестик нуқта бўёқ молекуласида иккала шакл мавжудлигидан далолат беради. HCl қўшганда флуоресценция спектрида нурланиш интенсивлигининг камайиши кузатилади, бу протонизациялашган шакланинг люминесценция бериш қобилиятига эга эмаслигидан далолат беради. Ёруғлик таъсирида стирил бўёқларининг рангсизланиш табиати тўғрилигини кўйидаги тажриба тасдиқлайди: стирил бўёқларнинг органик эритувчиларда рангсизланмаслиги аввал эритувчини нурлантириб кейин уларда эритма тайёрланганда кузатилади.


Диссертациянинг тўртинчи боби «Стирил бўёқларнинг биомолекулар билан таъсирлашувини спектроскопик ўрганиш» деб номланган бўлиб, унда стирил бўёқларга қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. 9, 18, 19, 31 ва 32-бўёқларнинг концентрациялари ўзгармас бўлганда оксилларнинг миқдори ошиб борганда бўёқларнинг мономерларига тегишли бўлган спектрларнинг қисқа тўлқин узунлиги томонидан янги тасма пайдо бўлади $\lambda_{\text{макс}}=410$ нм. Айнан шундай шароитда 5-бўёқ учун мономерлар тасмасига нисбатан $\lambda_{\text{макс}}=512$ нм, катта тўлқин узунлиги томонидан янги тасма $\lambda_{\text{макс}}=566$ нм пайдо бўлади (7а-расм). Эритмада қорамол қон зардобининг ошиши флуоресценция тасмаларининг шаклини сезиларли ўзгартирмайди, аммо мономерларга тегишли тасманинг нурланиш интенсивлиги бир тартибга ошади (7б-расм).



1-0, 2- 5×10^{-7} , 3- 10^{-6} , 4- $2,2 \times 10^{-6}$, 5- 5×10^{-6} , 6- 10^{-5} 7- $2,2 \times 10^{-5}$ М

7-расм. 5-бўёқнинг сувли эритмасида ($c=10^{-5}$ М) қорамол қон зардоби қўшганда ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши

Шунга ўхшаган ҳодисалар 2 ва 3-бўёқларнинг ютилиш ва флуоресценция спектрларида ҳам кузатилади. Стирил бўёқларнинг ДНК билан таъсирида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади, энг қизиқ ҳодисалар 3,16 ва 20-бўёқлар учун кузатилади (8-расм).



1-0, 2- 1×10^{-6} , 3- 2×10^{-6} , 4- 4×10^{-6} , 5- 8×10^{-6} , 6- $1,6 \times 10^{-5}$ 7- $3,2 \times 10^{-5}$ M

8-расм. 16-бўёкнинг сувли эритмасига ($c=5,6 \times 10^{-6}$ M) ДНК кўшганда ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг ўзгариши

Бу расмдан кўрнадики 16-бўёкнинг сувдаги эритмасига ДНКнинг концентрацияси ошиши билан мономерларга тегишли бўлган ютилиш ва флуоресценция спектрларининг интенсивлиги ДНК 8×10^{-6} M гача камайиб боради. Шунга ўхшаш ходисалар 3 ва 20-бўёклар учун ҳам кузатилади. 1, 4, 6-8, 10-15, 17, 21-30, 33-37-бўёкларнинг сувдаги эритмаларида қорамол қон зардоби ва ДНК кўшганда ютилиш ва флуоресценция спектрларида сезиларли ўзгариш кузатилмайди, озгина батаҳром ёки гипсохром силжишлар кузатилади ва флуоресценция интенсивликлари 2 дан 255 мартагача ошади (3 ва 4-жадваллар).

Ютилиш ва флуоресценция спектрларида кузатилган ходисалар стирил бўёкларини қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсири натижасидир. Бўёк молекулаларининг қорамол қон зардоби ва ДНК билан таъсири микдорий жиҳатдан боғланиш доимийси (K) ва боғланиш жойи (N) билан аниқланади (3 ва 4-жадваллар). 2-4, 6-8, 10, 11, 13, 34 ва 37-бўёкларнинг боғланиш доимийликлари қийматларининг катталиги бўёкнинг оксил билан таъсирини аниқловчи факторлари бўёк молекулаларининг тузилиши ҳамда оксиллар боғланиш марказларининг ўзларига хослигидадир.

Маълумки, оксилларнинг биринчи ва иккинчи доменидаги манфий зарядлари глобуланинг ичида, мусбат зарядлари эса глобуланинг ташқарида бўлади. Бўёклар қорамол қон зардоби гидрофоб таъсир ва электростатик таъсири орқали боғланиш ҳосил қилиши мумкин. Қорамол қон зардобининг фаол гуруҳлари гидрофоб соҳалар билан ўраб олинган бўлиб, улар бўёк молекулалари билан таъсирлашиш зарядлари томонидан бўёк молекулаларининг тортилишини кучайтиради.

**Ўрганилган бўёкларнинг қорамол қон зардоби (ҚҚЗ)
билан боғланиш параметрлари**

Бўёк	Концентрация, М		К, М ⁻¹	N	I _{ҚҚЗ} /I _{сув}
	Бўёк	ҚҚЗ			
1	2,5×10 ⁻⁵	3,0×10 ⁻⁵	3,8×10 ³	15,0	1,30
2	2,5×10 ⁻⁵	4,4×10 ⁻⁵	3,0×10 ⁴	0,11	20,6
3	1,0×10 ⁻⁵	4,1×10 ⁻⁵	6,0×10 ⁵	0,40	11,9
4	2,5×10 ⁻⁵	2,2×10 ⁻⁶	1,7×10 ⁵	5,45	5,20
5	2,0×10 ⁻⁵	2,2×10 ⁻⁵	8,2×10 ²	55,0	44,7
6	1,0×10 ⁻⁵	6,5×10 ⁻⁵	7,6×10 ⁵	0,30	6,20
7	2,5×10 ⁻⁵	4,6×10 ⁻⁶	4,8×10 ⁵	6,00	3,5
8	1,0×10 ⁻⁵	2,8×10 ⁻⁵	3,5×10 ⁵	0,50	1,1
9	1,0×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁻⁵	5,8×10 ²	14,0	2,1
10	1,0×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁻⁵	8,0×10 ⁵	1,50	4,1
11	5,0×10 ⁻⁶	1,2×10 ⁻⁵	8,6×10 ⁴	0,58	3,6
12	1,0×10 ⁻⁵	3,0×10 ⁻⁵	1,1×10 ³	4,70	2,5
13	1,0×10 ⁻⁵	3,2×10 ⁻⁴	1,5×10 ⁴	0,60	4,2
14	1,0×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁻⁵	2,4×10 ⁵	3,80	3,1
15	1,0×10 ⁻⁵	2,7×10 ⁻⁶	3,9×10 ⁴	1,30	1,4
16	5,0×10 ⁻⁶	2,4×10 ⁻⁵	5,6×10 ⁴	0,70	4,6
17	1,0×10 ⁻⁵	5,1×10 ⁻⁶	7,6×10 ⁵	2,70	2,3
18	2,0×10 ⁻⁵	4,5×10 ⁻⁵	2,0×10 ⁴	0,90	54,0
19	2,0×10 ⁻⁵	4,2×10 ⁻⁵	4,0×10 ⁵	0,60	55,0
20	1,0×10 ⁻⁵	2,6×10 ⁻⁵	1,7×10 ⁵	0,10	5,1
21	2,5×10 ⁻⁵	4,4×10 ⁻⁵	5,7×10 ⁴	1,40	9,2
22	2,2×10 ⁻⁵	4,2×10 ⁻⁵	7,7×10 ⁴	1,30	11,3
23	1,5×10 ⁻⁵	3,8×10 ⁻⁵	8,4×10 ⁴	1,40	13,7
24	2,2×10 ⁻⁵	2,8×10 ⁻⁵	1,7×10 ⁴	1,10	3,1
25	1,0×10 ⁻⁵	1,0×10 ⁻⁵	1,5×10 ⁴	1,70	6,4
26	1,0×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁻⁵	5,6×10 ⁴	3,70	6,3
27	5,0×10 ⁻⁶	4,8×10 ⁻⁵	4,0×10 ⁵	0,02	6,6
28	1,0×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁻⁵	9,5×10 ⁵	1,50	14,0
29	2,0×10 ⁻⁵	3,4×10 ⁻⁵	1,7×10 ⁴	0,89	12,0
30	1,0×10 ⁻⁵	1,6×10 ⁻⁶	1,1×10 ⁶	4,30	21,6
31	5,0×10 ⁻⁵	4,2×10 ⁻⁵	2,7×10 ⁵	1,10	27,3
32	5,0×10 ⁻⁵	3,3×10 ⁻⁵	1,3×10 ⁵	1,70	18,6
33	1,0×10 ⁻⁵	3,3×10 ⁻⁵	1,4×10 ⁵	0,61	25,8
34	2,0×10 ⁻⁵	3,8×10 ⁻⁵	5,6×10 ⁵	0,91	2,7
35	1,0×10 ⁻⁵	3,0×10 ⁻⁵	3,9×10 ⁴	0,60	3,0
36	5,0×10 ⁻⁵	5,0×10 ⁻⁵	1,1×10 ⁵	0,40	2,6
37	2,0×10 ⁻⁵	6,2×10 ⁻⁶	1,7×10 ⁵	2,60	3,9
535/635	2,0×10 ⁻⁵	6,2×10 ⁻⁶	5,8×10 ⁵	0,20	10,2

Ўрганилган бўёқларнинг ДНК билан боғланиш параметрлари

Бўёк	Концентрация, М		K, М ⁻¹	N	$\frac{I_{\text{ДНК}}}{I_{\text{суе}}}$
	Бўёк	ДНК			
3	$1,0 \times 10^{-5}$	$5,6 \times 10^{-5}$	$4,5 \times 10^2$	3,90	5,4
7	$2,5 \times 10^{-5}$	$4,8 \times 10^{-5}$	$1,1 \times 10^3$	13,8	6,9
9	$1,0 \times 10^{-5}$	$3,6 \times 10^{-5}$	$4,0 \times 10^4$	0,56	1,0
16	$5,0 \times 10^{-6}$	$3,2 \times 10^{-5}$	$1,0 \times 10^3$	4,60	1,0
18	$2,0 \times 10^{-5}$	$4,8 \times 10^{-5}$	$3,6 \times 10^3$	2,90	6,4
20	$1,0 \times 10^{-5}$	$3,8 \times 10^{-5}$	$1,2 \times 10^3$	26,3	2,5
27	$2,0 \times 10^{-5}$	$3,2 \times 10^{-5}$	$2,2 \times 10^4$	0,40	9,5
28	$1,0 \times 10^{-5}$	$3,4 \times 10^{-5}$	$2,5 \times 10^5$	0,62	13,4
29	$2,0 \times 10^{-5}$	$4,0 \times 10^{-5}$	$3,1 \times 10^4$	0,73	112
30	$2,0 \times 10^{-5}$	$1,2 \times 10^{-5}$	$2,5 \times 10^5$	1,30	5,7
31	$4,0 \times 10^{-5}$	$5,2 \times 10^{-5}$	$1,5 \times 10^4$	0,38	225
32	$4,0 \times 10^{-5}$	$5,2 \times 10^{-5}$	$4,7 \times 10^5$	0,30	20
33	$1,0 \times 10^{-5}$	$1,1 \times 10^{-5}$	$2,7 \times 10^4$	1,87	1,0
36	$5,0 \times 10^{-5}$	$6,5 \times 10^{-5}$	$1,7 \times 10^6$	0,62	28,7
37	$2,5 \times 10^{-5}$	$2,2 \times 10^{-6}$	$1,2 \times 10^5$	0,04	3,3
535/635	$2,5 \times 10^{-5}$	$2,2 \times 10^{-6}$	$1,04 \times 10^5$	0,03	2,1

Бундан ташқари **2, 3, 8, 14, 34** ва **35**-бўёқлар молекулаларининг структурасида манфий зарядланган кислород атомлари бўлиб, улар ҳам бўёқ молекуласи билан қорамол қон зардоби ўртасидаги таъсирни кучайтиради. **5, 9** ва **12**-бўёқларнинг оксил билан боғланиш доимийсининг кичиклиги, бўёқ молекулаларининг ўзига хос тузилишига боғлиқ. **9**-бўёқ молекуласи структурасига толуидин, **12**-бўёқда придиниум гуруҳи киритилиши ва **5**-бўёқда метил группаси ўрнида кислороднинг киритилиши бўёқнинг қорамол қон зардоби билан таъсирга кучли тўсқинлик қилади. ларининг тортилишини кучайтиради. Бундан ташқари **2, 3, 8, 14, 34** ва **35**-бўёқлар молекулаларининг структурасида манфий зарядланган кислород атомлари бўлиб, улар ҳам бўёқ молекуласи билан қорамол қон зардоби ўртасидаги таъсирни кучайтиради. **5, 9** ва **12**-бўёқларнинг оксил билан боғланиш доимийсининг кичиклиги, бўёқ молекулаларининг ўзига хос тузилишига боғлиқ. **9**-бўёқ молекуласи структурасига толуидин, **12**-бўёқда придиниум гуруҳи киритилиши ва **5**-бўёқда метил группаси ўрнида кислороднинг киритилиши бўёқнинг қорамол қон зардоби билан таъсирга кучли тўсқинлик қилади. Шунинг учун тахмин қилиш мумкинки, оксил билан боғланиш электростатик тортиш билан манфий зарядланган, яъни кислород атоми, триметиламин гуруҳидаги азот атоми билан ва оксилнинг сиртидаги мусбат зарядланган глобула билан вужудга келади. Бўёқ молекуласи билан боғланишни мусбат зарядланган оксил сиртида ҳосил қиладиган қорамол қон зардобидан фарқли ўлароқ, ДНК бўёқ молекуласи билан қуйидаги уч йўл

орқали боғланиш ҳосил қилиши мумкин: интеркаляция боғланиш, нуклеин кислоталарининг бороздкаси билан боғланиш ва 4-жадвалдан кўринадики, **27-бўёқ**нинг ҳосилалари: **28-33** ва **36, 37-бўёқ**лар катта боғланиш доимийсига **3, 16, 20-бўёқ**лар кичик боғланиш доимийсига эга. **27, 28, 36** ва **37-бўёқ**лари ясси гетероциклик тузилишга эга, шулар орқали ДНК текисликлари орасида саф тортадилар ва нуклеин кислоталарнинг тузилиши ўзгаради, натижада ДНКнинг иккита спиралининг ўзгаришига, унинг эгилувчанлиги ўзгаришига олиб келади.

Интеркаляция жараёнидан бошқа, яъни тегишли тузилишга эга бўлган молекулалар ДНКнинг ташки қисмига келиб бирикиши мумкин, бунда гидрофоб таъсири натижасида бир нечта структуравий қатламлар ҳосил бўлади, булар флуоресценция интенсивлигини оширади. **27, 28, 36** ва **37-бўёқ**лари ДНКнинг иккита спирали билан боғланиши электростатик таъсири натижасида вужудга келади, чунки бу бўёқ молекулалари катион шаклида, ДНК молекулалари ўз табиатига кўра полианиондир.


3, 16, 18 ва **20-бўёқ**ларнинг боғланиш доимийси қийматининг кичиклигини учинчи тип таъсир билан тушунтириш мумкин, бунда бўёқ молекулаларининг нуклеин кислоталарнинг сиртида тўпланиши люминесценция бермайдиган агрегатларнинг ҳосил бўлиши ва мос равишда флуоресценция нурланиш интенсивлигининг камайишига олиб келади.

Тузилишида полиметин занжир бўлган бўёқларда гетероцикллар бирига нисбатан етарли масофада жойлашган. Бу эса хромофорларнинг айланишига ва мос равишда компланарлигининг ўзгаришига ва цис-транс изомеризациянинг вужудга келишига олиб келади. Хромофорлар ўртасидаги боғланиш унча мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли, улар қорамол қон зардоби ва ДНК билан боғланиш ҳосил қилганда цис-транс изомеризация камайди, бу эса флуоресценция нурланиши интенсивлигининг ошишига олиб келади.

Бўёқлар зонд сифатида ишлатилганда бўёқ оксилнинг тузилишини бузмаслиги муҳимдир. Шунинг учун оксил билан бўёқнинг концентрацияларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда флуоресценция интенсивлигининг оксил концентрациясининг бўёқ концентрациясига бўлган нисбатига боғлиқлиги ўрганилди. Мисол тариқасида 9-расмда флуоресценция интенсивликлар нисбати (F/F_0) бўёқ молекулалари концентрациясининг оксил концентрациясига нисбатига боғлиқлик графиги келтирилган (C/P). **7, 10, 13, 15** ва **16-бўёқ**лар оксил билан боғланиш ҳосил қилганда флуоресценция интенсивлигини (F/F_0) мос равишда 3,5; 4,1; 4,2; 3,1; 1,4 ва 4,6 мартага оширади, бу бўёқ билан оксил концентрациялари тенг бўлган пайтда (C/P) ва 1:5 бўлганда (9-расм, 1-3, 5, 6 чизик), **14** 1:2,5 бўлганда 3,1 мартага ошади (9-расм, 4-чизик). **31** ва **32-бўёқ**лар ДНК билан 1:5 боғланиш ҳосил қилганда флуоресценция нурланиши мос равишда 5 ва 20 мартаба ошади (10-расм, 1,2-чизик), **3, 7, 16, 20, 27** ва **28** бўёқлар эса 1:2,5 (10-расм, 3-8 чизик) флуоресценция нурланиш интенсивликлари тақрибан 10 мартага ошади.


Бўёқ концентрациясининг янада ошиши флуоресценция интенсивлигининг камайишига олиб келади. Таъкидлаш лозимки, **7** ва **20-**

